

ИНГЛИЗЧА МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАРНИ ТАСВИРИЙ ЙЎЛ БИЛАН ТАРЖИМА ҚИЛИШ

Тныбаева Гулмира
НукДПИ 2 курс магистранти

Аннотация: Мазкур мақолада инглиз тилидан ўзбек тилига мақол ва маталлар таржимасининг узига хос хусусиятлари, таржима қилишдаги қийинчиликлар ва муоммалар таҳлил қилинган. Мақол ва маталларни таржима қилиш ўта мураккаб, амалий жараён бўлиб, бу асосан бирликлар табиатига – уларнинг лексик, семантик ва қурилиш жиҳатларидан мураккаблигига вобастадир.

Калит сўзлар: мақол, матал, таржима, фразеологик бирликлар, маданият, миллий колорит.

Мақол ва маталларни таржима қилиш ўта мураккаб, амалий жараён бўлиб, бу асосан бирликлар табиатига – уларнинг лексик, семантик ва қурилиш жиҳатларидан мураккаблигига вобастадир.

Асл нусха ва таржима тиллари фразеологизмларни табиатини қиёсий ўрганган ҳолда, улар орасидаги мазмуний – услубий мувофиқлик ҳолатларни аниқлаш ва таржима жараёнида уларнинг бирини иккинчиси воситасида талқин этиш йўл ва имкониятларини белгилаш тўлақонли таржима яратиш учун замин ҳозирлайди.

Мақоллар халқ оғзаки ижодида алоҳида ўрин тутади. У бошқа афористлик жанрлардан фарқ қилади.

Машҳур рус луғатшуноси В.И.Даль мақол ва маталларни бир-бирдан фарқлаган ҳолда “Матал – гул, мақол эса унинг мевасидир”,- деган эди. [2; 155]

Мақол образли ифодаланган, одатда фонетик ритм – интонацияга асосланган тугал фикр англатувчи панд – насиҳатдир.[1; 341]

Матал мақолдан шуниси билан фарқ қиладики, унда синтактик жиҳатдан тугалланган фикр бўлмайди.[5; 289]

Шундай қилиб, ҳар қандай маданий аҳамиятга эга матн (мақоллар) дунёнинг миллий манзарасини акс эттиради, одамлар, шахсият ва минталитет. [2]

Мақол тушинари ва равон бўлиб, унда аниқ воқеа ва ҳодисалар баён қилиниди. Шу боисдан улар ёдда сақланади, авлодлардан – авлодларга ўтиб, қўлланилиши анъана тусини олади. Мақоллар заминда ҳақиқатни тасдиқлаш ётади.

Мақоллар тарбиявий аҳамиятга молик бўлиб, одатда суҳбатдошга қаратилган бўлади. Мақолда фикр қисқа, лўнда ифодаланади. Унда таҳлил, тавсифларга ўрин қолмайди. Мақол учун фикрнинг мантиқий изчиллиги, айниқса, ҳосдир.

Таржима жараёнида баъзан муайян мақолни на эквивалент воситасида, на муқобил вариант ва на калька ёрдамида ўгиришнинг имкони бўлади. Бундай ҳолларда таржимонлар ноилож таржима амалиётининг тасвирий усулига мурожат қиладилар. Мазкур усул ёрдамида мақол ва маталларнинг маънолари мантиқий маъноли сўз ёки сўз бирикмалари ёрдамида тушинтириб қўя қолинади. Ибора таркибида мужассамлашган услубий вазифа эса таржимавий матнда ва луғатда ўз аксини топмайди. Чунончи, луғатда *"A bull in a china shop"* матали ўзининг синоними *"clumsy"*, яъни ўнинг ўзбекча таржимаси *"қўпол"* сўздан келиб чиққан бўлиб, ўзининг муқобил варианты *"Айиқдай қўпол"* матали билан акс эттирилган.

Ёки *"Ace in the hole"* сўзининг синонимии *"A friend in need is a friend indeed"* мақолидир. Унинг луғатда берилган ўзбекча таржимаси эса *"Дўст бошга кулфат тушганда билинади"* мақоли орқали берилади.

"Let bygones be bygones" мақоли ўзининг синоними *"past"*, *"last"* яъни *"ўтган"* маъносини билдириб, *"Ўтган ишга саловат"* мақоли билан луғатда акс эттирилади.

"Sit like a bump on a log" мақоли *"бекорчилик"* – *"idle"* синонимига эга бўлиб, *"Қўл қовуштириб ўтирмақ"*, *"Бекорчидан худо безор"* мақоллари билан луғатда берилади.

"The ark rested on Mt. Ararat" мақоли луғатда "Американи очди" тарзида бериган. Унинг изоҳи эса қуйдагича "кечиктирилган янгиликни айтган инсонга жавоб".

Шундай қилиб, мақол ва маталларни ўзбек тилига таржима қилиш хусусиятларини кўриб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Мақол ва маталлар таржимаси таржимашуносликда асосий ўринни эгаллайди ва шунинг учун ҳам таржимоннинг ўзи бу масаладан хабардор бўлиши зарур. Луғатлар мақол ва маталларнинг ҳамма контекстуал маъно оттенкаларини ҳисобга алолмаганлиги сабабли таржимон мақол ва маталларнинг контекстуал маъноларига катта эътибор бериши керак. Контекст эса бир абзацга, гапга, китобнинг бир бобига, баъзида эса бутун бир асарга тенг бўлиши ҳам мумкин.

Хулоса шуки, ушбу мақолада таржимашуносликка ойд фикрлар олға сурилади. Таржиманинг ўзига хос хусусиятлари ранг – барангдир. Уларнинг қўлланиш хусусиятлари ҳам ранг – барангдир. Мақол ва маталларнинг таржимасига ойд муҳим шарт – шаройтларни ўрганилди. Мақол ва маталларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш усуллари ва асосий имкониятлари ёритиб беришга йуналтирилган.

Адабиётлар:

1. Ахманова А.С. Словарь лингвистических терминов. Москва, Сов. Энциклопедия. 1966-607 с.
2. Даль В.И. Толковый словарь великорусского языка. Москва, 1955. 4 тома. 1 том-669 с. 2 том-779 с. 3 том-555 с. 4 том-683 с.
3. Жалгасов Н.М. Семантические сходства английских, узбекских и каракалпакских провербиальных образований с оценкой человека. Хорижий филология. Илмий-услубий журнал. – Самарканд: СамДЧТИ, 2020. - № 1(74). 138-143 б
4. Караматова К.М., Караматов Х.С. Proverbs – Мақоллар – Пословицы. Тошкент, "Меҳнат", 2000-64 бет.
5. Мусаев К. English stylistics. Тошкент, "Adolat", 2003-312 бет.